



Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 18 aprel № 17 (554)

Sotuvda narxi erkin

ИЛМИЙ-ТЕХНИК КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида аспирант, магистр ва бакалаврларнинг "Информатика, информацион технологиялар ва ахборот хавфсизлиги" мавзусида республика илмий-техник конференцияси ўтказилди. Унда республикамизнинг 16 та олий ўқув юрти, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ва бошқа корхона мутахассислари иштирок этдилар.

Конференциянинг мақсади магистратура ва бакалавратура талабаларида илмий-тадқиқот, ижодиёт ва бунёдкорликни рағбатлантириш, таълим муассасаларида илм-фанни жадал ривожлантириш ва услубий ўзгаришларни, таълим билан фаннинг самарали интеграциясини таъминлаш ҳамда шу асосда юқори мақолали кадрлар тайёрлаш, уларни мураккаб ижодий фикрлайдиган илмий ходим сифатида шакллантиришдир.

Анжуманнинг ялпи мажлисида қилинган маърузалар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотиб, қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Жумладан, магистр Д.Янбаев ва аспирант Н.Савицкийлар кўтарган муаммолар ўзининг долзарблиги ва ҳаётлиги билан ажралиб турди.

Республикамиз ёшлари орасида ахборот-коммуникация технологияларига қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Компютер синфлари, Интернет-кафеаларнинг талаба-ўқувчилар билан доимо ташвиш бўлиши бунинг исботидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Республика магистратура талабаларининг биринчи илмий конференциясини ўтказиш ҳақида"ги буйруғига кўра олий таълим муассасаларида илмий конференциянинг биринчи саралаш турини 7-13 апрел кунлари ҳар бир таълим йўналишлари бўйича ўтказиш белгиланган эди. ТАТУда бўлиб ўтган анжуманда қатнашган магистрантларнинг энг яхши

илмий маърузалари республика магистратура талабаларининг биринчи илмий конференциясига тавсия этилди.

Конференция давомида университетнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ва бошқа ташкилотлар етакчи ходимлари раҳбарлигида ташкил қилинган шўбаларда иқтидорли талаба, магистр ва аспирантларнинг маърузалари тингланиб, ҳар тарафлама муҳокама қилинди. Етакчи олим ва фан арбоблари, академиклар В.Қобулов, Т.Ражабов, профессорлар Х.Орипов, С.Қосимов, Ш.Назиров, Б.Ражабов, В.Сон, доцентлар О.Абдуазизов, Ш.Тожибоев, И.Бергенов, В.Смаршевскийлар ёшларнинг изланишлари, илмий тадқиқотлари самараси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Уйлаимизки, бундай конференцияларни янада кўпроқ ўтказиб туриш иқтидорли талаба ёшларни илмий изланишларга, Ватанимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшишга ундаши шубҳасиздир.

Ш.НИШОНОВА,
доцент
А.МАМАТОВ,
доцент

Tadbir



ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил, 16 апрелдаги 184-сонли қарори биноан Хуршид Мирсабирович МИРЗАХИДОВ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари этиб тайинланди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган аниқ ишларни амалга оширдилар. Шундай муҳим ишлардан бири ижтимоий ҳақдорликдир, унинг асоси Келишув ва жамоа шартномалари ҳисобланади.

алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг Келишувларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жамоа шартномаларининг экспертизаси ўтказилди. Экспертиза натижалари бўйича жамоа шартномаларига қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Келишувлар ва жамоа шартномалари аҳамиятининг ошиши иш берувчилар ва касаба уюшмаларидан қабул қилинган мажбуриятларни бажариш ҳамда назорат қилиш ишларига масъулиятли ёндошишни талаб қилади. Умуман соҳа бўйича мазкур йўналишда муайян ишлар қилинди.

2000 йили Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ўртасида 2000-2002 йиллар учун қабул қилинган Тармоқ Келишуви соҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ходимлар учун бандлик, меҳнат тўлови ва шартлари минимал ижтимоий қароқларнинг умумий йўналишини белгилаб берди.

2000-2002 йиллар мобайнида Келишувлар ва жамоа шартномаларининг мазмуни яхшиланди. Яъни жамоа шартномаларининг амал қилишини куцайтириш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Республика

Ҳисобот даври мобайнида Келишувлар ва жамоа шартномаларининг бажарилиши Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг Пленум йиғилишларида, акциядорлик компаниялари директорлари Кенгашининг қўшма йиғилишларида, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъатида доимий равишда кўриб борилди.

Тасдиқланган графикларга мувофиқ жамоа шартномаларининг бажарилиши якунлари муҳокамаси бўйича меҳнат жамоаларининг мажлислари, конференциялари ишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, акциядорлик ком-

(Давоми 2-бетда.)

КЎРСАТМАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ — Tanqid

қонун, давлат ва соҳа стандартлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларини бажариш демакдир

Давлат алоқа инспекцияси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хизмат кўрсатувчи ҳужалик субъектлари фаолиятига йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш бўйича йўл-ўйриқлар кўрсатади, улар юзасидан кўрсатмалар бериб, бажарилишини назорат қилади.

Соҳада фаолият кўрсатаётган ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий ҳужжатлар, давлат ва соҳа стандартлари ҳамда Лицензия ва Лицензия келишуви талабларининг бажарилишини таъминлаш Давлат алоқа инспекциясининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, унинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Қузатувлар таҳлилига кўра, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари кўрсатувчи айрим корхоналарда ҳамон қонун бузилишлари ҳоллари учраб турибди.

Масалан, "Ўзбектелеком" АК "Сурхондарё Телеком" филиалининг Жарқўрғон ва Денов туманида Хитой Халқ Республикасининг "HUAWEI" компаниясидан келтирилган ETS-450 русумли радиоалоқа ускунасининг база станциялари ва абонент терминаллари 2001 йилнинг май ойида ўрнатилганлигига қарамай, улардан жорий йилнинг февралига қадар, яъни лицензия келишувига тегишли ўзгаришлар киритилмагунча радиочастота спектридан фойдаланишга рухсатнома расмийлаштирилмасдан фойдаланиб келинган. Бу билан Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастоталар спектри тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 10 июлдаги 293-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қўрилмаларни олиш (берниш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), фойдаланиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тартиби тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 1999 йил, 13 апрелда 700-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалари ва радиочастоталар спектридан

фойдаланишини бошқариш тартиби тўғрисида"ги Низомлари талабларининг бузилишига йўл қўйилган.

Ушбу қонунбузарликнинг олдини олиш юзасидан Сурхондарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан тегишли кўрсатмалар берилган. Кўрсатмалар ижросини таъминлаш мақсадида ETS-450 радиоалоқа ускунаси билан ташкил этилган алоқа тармоғи ишчи ҳайъати томонидан фойдаланишга қабул қилинган, аммо "Ўзбектелеком" АКга берилган Лицензия келишувига ўз вақтида тегишли ўзгаришлар киритилмаган.

ETS-450 русумли радиоалоқа тармоғининг база станциялари ва абонент терминалларида фойдаланиш учун Электромагнит мослашув марказидан радиоэлектрон воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олинмаган. Шу сабабли, Республика Давлат алоқа инспекцияси 2003 йил, 31 январда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига ва "Сурхондарё Телеком" филиалига аниқланган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатма берди ва бажарилишини назорат олди.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Лицензия келишувида ўзгаришни киритиш учун Агентликнинг Лицензия комиссиясига мурожаат қилди. Комиссия томонидан мурожаат қондирилди. "Сурхондарё Телеком" филиалининг Жарқўрғон ва Денов туманларида ўрнатилган ETS-450 русумли радиоалоқа ускуналари ҳамда радиочастота спектридан фойдаланиш учун рухсатнома расмийлаштирилди.

Агарда жойлардаги мутасадди раҳбар ва мутахассислар ўзларига юклатилган вазифаларини, қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари масъулиятини ҳис этган ҳолда бажариб бора, соҳанинг келуси ривож ва жадал суратларда ўсиши янада самарали бўлур эди.

А.ДАВЛАДИЯРОВ,
Давлат алоқа инспекциясининг
Радиоалоқа бўлими бошлиғи

АЛЛО, СИЗНИ "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ ЭШИТАДИ

Ҳурматли муштарийлар!

1. Сиз республика телекоммуникация хизмати бўйича қандай таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирмоқчисиз?
2. Сизни жойлардаги телекоммуникация (телефон, телеграф, факс, Интернет) хизматлари қониқтирадимиз?

3. Телекоммуникация корхоналарининг миҳозларга кўрсатаётган хизмат сифати, алоқачиларнинг касб малакаси ва маданиятидан кўнглингиз тўладимиз?

Хуллас, Сизни қизиқтираётган барча саволларга шу йил, 30-апрел куни, соат 11⁰⁰дан 12⁰⁰гача "Ўзбектелеком" АК бош директори **Ҳаким Асрорович МУХТИДИНОВ** 133-42-59, 133-32-92 телефонлари орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.

Мақтубларингизни Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 24-уй, "Ўзбектелеком" АК ёки Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй, "Хабар" тахририятига йўллашингиз мумкин.

Олдиндан бермоқчи бўлган саволларингиз куйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади:

133-42-59, 133-32-92, 144-29-09, 136-36-42 (факс).
Электрон почта манзили: habar@uzapt.uzpak.uz

"Бевосита мулоқот"да тилга олинган долзарб савол-жавоблар газетамизда чоп этилади.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

панилари ва Республика алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий қўмитасининг масъул ходимлари иштирок этилдилар.

Жамоа шартномаларининг бажарилишини текшириш бўйича икки томонлама комиссия иши фаложлади. Мазкур комиссия аъзолари томонидан йилда икки бор жамоа шартномасининг бажарилиши текширилди ва текшириш далолатномаси тўзилиб, меҳнат жамоасининг йилги иш ва анжуманларда муҳокама қилинди ҳамда тасдиқланди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Республика алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий қўмитаси томонидан иш ҳақи, ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар ва икки ёшгача фарзанд бўлган аёлларга нафақаларини ўз вақтида тўлашиши юзасидан доимий мониторинг ўтказиб турилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи (ҚҚСларсиз) 2002 йилда 41,1 минг сўмга етди, бу 2000 йилга нисбатан 2,28 баробар ошганлигидан далолат беради. Жумладан, “Ўзбектелеком” АК бўйича 2000 йилга нисбатан 2,25 марта, “Ўзбекистон почтаси” ДАК бўйича 2,2 марта ва “Матбуот тарқатувчи” АК бўйича 2,4 марта ошди.

Келишувлар ва жамоа шартномаларида ўртача иш ҳақини белгилаган даражага етказмаган филиаллар сони 2000 йилда 30 та бўлган ҳолда, 2002 йилда 14 тани ташкил этди, яъни 16 тага камайди.

Шуни таъкидлаш керакки, 2002 йили барча филиал ҳамда корхоналар томонидан меҳнат таътилига чиқишда, яқинлари ва қариндошларини дафн қилишда, биринчи марта қонуний ниҳоддан ўтишда ходимларга ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, ўттиз мингдан кўпроқ ходимлар меҳнат таътилига чиқиш вақтида ўртача 22,1 минг сўмлик моддий ёрдам, 27 мингта яқин ходимлар эса ҳар ойда соҳала узок йиллар ишлаганликларини учун ўртача 4,8 минг сўмлик қўшимча ҳақ олдилар. Байрам ва дам олиш кунлари, кечки ва тунги сменада ишлаганлар учун ҳам белгиланган миқдорларда қўшимча ҳақ тўланди.

Ҳар йили болалар соеломлаштириш масканларини ёзги мавсумга тайёрлаш бўйича таъбирлар кўрилади ва бу иш назоратда бўлади. Алоқачиларнинг уч мингдан ортққ фарзандлари оромгоҳларда дам олиб, ўз соғлиқларини тиклайдилар.

2000-2002 йиллар мобайнида ҳар ойда 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларни тарбиялаш бўйича таътилга бўлган аёлларга Ўзбекистон Республикасида белгиланган ўртача энг кам иш ҳақи миқдорига моддий ёрдам кўрсатилди. 2002 йилнинг “Қарияларини қариллаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан байрам кунлари ва юбилей саналарини нишонлаш учун 5 мингдан ортққ ишлагандиган пенсионерларга 91,9 млн. сўм маблағ сарф қилинди.

Келишувлар ва жамоа шартномаларининг бажарилиш яқунлари шуни кўрсатдики, 2000-2002 йиллар мобайнида олтинган мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажари-

лишини таъминлаш бўйича айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилган.

Жилдий нуқсонлардан бири 2002 йил мобайнида “Алоқачивест” АЖ, Радиоалоқа, радиоэшиткириш ва телевидение маркази, “Ўзбектелеком” АК ва “Ўзбекистон почтаси” ДАК тузилмасидаги корхоналарда иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик ҳолатларининг рўй берганлигидир.

Активдорлик компаниялари томонидан ўртача иш ҳақини ошириш бўйича олиб борилган ишларга қарамастан, “Сурхондарё почтаси” АЖ (14,6 минг сўм), “Қашқадарё почтаси” АЖ (17,6 минг сўм), “Жиззах почтаси” АЖ (17,7 минг сўм), Хоразм “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ (15,1 минг сўм), Сурхондарё “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ (15,5 минг сўм) ва “Наманган Телеком” (31,4 минг сўм) филиалида ўртача иш ҳақи жуда ҳам паст бўлди. “Ўзбекистон почтаси” ДАКнинг 18 та корхонасидан 10 тасида ўртача иш ҳақи белгиланган даражага етказилмаган. “Ўзбекистон почтаси” ДАК ва “Матбуот тарқатувчи” АКнинг барча корхоналарида ҳам меҳнат муҳофазаси учун маблағлар етарлича ажратилмади.

Келгусида бизнинг олдимизда турган вазифалар — 2002 йилги келишувлар ва жамоа шартномаларини бажарилишининг таъминидан келиб чиққан ҳолда жорий йилги иш берувчилар билан биргаллик мақсадли режаларни амалга оширишдир.

Т.НАЗАРЖОНОВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий қўмитаси раиси



“Матбуот тарқатини уюшмаси” активдорлик жамиятига қарашли пойтахтимиздаги 190-сонли матбуот дўкони сотувчиси Шохсан ШОҚОСИМОВ 24 йилдан буён халққа зиё тарқатиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

ПОЧТА ХИЗМАТИ СИФАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Украина пойтахти Киев шаҳрида Халқаро почта тармоғи хизмати сифатига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Бутунжаҳон почта иттифоқи томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда МДХ (Туркманистондан ташқари) ҳамда Болтиқбўйи, ишнингдек, Швейцария, Франция, Финляндия, Белгия давлатлари ва Германиянинг “Сименс Лематик АТ” компанияси вакиллари билан бир қаторда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мутахассислари ҳам иштирок этди.

Семинарда МДХ давлатлари ичида Халқаро почта тармоғи хизмати сифатини юқори даражага кўтариш, почта жўнатмаларини манзилларига қисқа муддатларда етказиш ҳамда унинг бажариш назоратини таъминлаш каби муҳим масалалар кўрилади.

Анжуманда Халқаро почта тармоғи хизмати сифати ҳақида қатор маърузалар ўқиди. Шулардан бири — Бутунжаҳон почта иттифоқи Халқаро бюросининг “Сифат хизмати” дастури эксперти Ярослав Швенка маърузаси хусусида фикр юритмоқчидам.

Маъруза Халқаро хат жўнатмалари ўтиш муддатларининг узлуksиз назорати, Бутунжаҳон почта иттифонининг “Сифат хизмати” дастури ва Халқаро почта хизмати сифати бошқарувини сертифицилаш ҳақида эди. Ушбу йўналишлар бўйича бажариладиган ишлар

хизмат тури — почта жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш, ишлов бериш ва манзилларига етказиш жараёнларига кўпроқ эътибор беришларини сўрардим. Айрим раҳбарлар пенсия тарқатишни ўларинга ниҳоб қилиб олиб, почта корхонасига раҳбар эканликларини унутиб қўйишмоқда. Почта хизматлари билан шуғулланишни иккинчи даражали иш деб ҳисоблашмоқда. Буни компания мутахассислари томонидан “Халқаро почта” АЖга ўлказилган текширувлар натижаси кўрсатиб турибди.

Маъруза сўнгида жаноб Ярослав Швенка Халқаро почта хизматини бошқариш бўйича маъмуриятларга сертификатлар бериш тартиби ва шартлари ҳақида сўз юритди. Бутундунё почта иттифонининг сертификатлаш тизимида кўра Почта эксплуатацияси кенгаши почта маъмуриятларига муаммо ва камчиликларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш ҳамда сифатини бошқариш жараёниларини фойдаланиш даражасини баҳолайди.

Сертификациялаш жараёнилари тугатилган сўнг, сертификат соҳиблари БПИНинг ХХП конгресси бошланганга қадар тақдирланди.

Р.ТУРҒУНОВ,
“Ўзбекистон почтаси” ДАК бош директорининг ўринбосари

ЎГИРЛИК РЕЖАСИ БАРБОД БЎЛДИ

Qilnish-qidirmish

Тунги соат 11⁰⁰. “Алоқа уйи”да навбатчилик қилаётган Алексей жириланган сигналдан хушёр торлди. Кўрғонтепа-Дардок ИКМ сигнал-защясида “авария” ёниб турарди. Текшириб кўрди. Дардок тарафдан жавоб бўлмади. Демак, кабел узилган. У дарҳол раҳбарга хабар қилди. Зум ўтмай икки ходим машина билан йўлга чиқди.

Улар машинада унча кўп юришмади. Носозлик жойи Ижтимоит қишлоғи яқинида экан. Алоқачилар келган пайтда ўрилар алоқачилар жуфтани ростилаб қолишган эди. Аммо уларнинг “иш қуроллари” жойида қолганди. Шу орада етиб келган милиция ходимлари ашёвий далиллар — тўртта велосипед, иш кийимлари, қопта жойланган 360 метр ВТОП кабелини далолатнома билан расмийлаштириб, қонунбузарларини излашга киришдилар. Тезкорлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида кабел ўриларни аниқланди. Кечкурун “овга чиққан” бу “азаматлар” Кўрғонтепа тумани, “Навоий” жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Мадамнибек Қоратов, Мусажон Турсунов, Мирзохид Холиқов ҳамда Авазбек Нуриддиновлар экан. Шундай қилиб, давлат, халқ мулкига кўз олайтириб, “тирикчилик” қилмоқчи бўлганларнинг режаси барбод бўлди, улар қилмишига яраша жазоландилар. Жиноятчилардан “Андижон Телеком” филиалига етказилган 400000 сўмлик зарар ундириб олинди.

Сўнги вақтларда Кўрғонтепа телекоммуникациялар боғламасида алоқа иншоотларига, хусусан алоқа кабелларига бўлаётган хужиж нисбатан камайди. Бунга албатта, алоқа иншоотларини сигнализация билан таъминлаш, ички илтизоми мустахкамлаш, ички ишлар органлари билан узвий ҳамкорлик қилиш орқали эришилмоқда. Шунингдек, алоқачи активдорлардаги мулкка эгаллик ҳиссининг ошиб бораётгани, жойларда қўшимча тарзда навбатчиликлар ташкил қилиниб, қўриқчиликка ходимлар жалб этилаётгани ҳам ижобий самара беришти. Ўғирликларнинг олди олинса алоқа узилмаслигини, жарима санкциялари тушмаслигини, энг муҳими катта зарар ва шикаятларнинг олди олинишини алоқачилар яхши тушунишди.

ИИБ органлари билан муносабат ҳамкорлик қилиш, маҳддларда фуқаролар ўртасида сўхбатлар ўтказиш, кўп қаватли уйлارнинг томига чиқиш йўллариини беркитиш каби чоралар Баилқичи, Хонобод телекомму-

никациялар боғламаларида ўз самарасини бермоқда. Ходимлар кунинг исталган пайтда шикастланган линияга чиқиш учун шай турилади. Хонобода ҳар бир ИИБ ходимига алоқа кабелларининг сақланиши бўйича алоҳида масъулият юкланган. Баилқичи туманидаги қишлоқ ва жамоа хўжаликларида “Обод маҳалла йили” тадбирлари бўйича ўтказилаётган сўхбатларда алоқа иншоотлари муҳофазасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳалла оқоқчилари ва посбонлари алоқачилар билан доимо маслаҳатлашиб турилади. Шу босиб бу ҳудудларга яқин уч-тўрт йилдан буён ўғирлик юз бергани йўқ.

Қонунбузарликларнинг олдини олишда Андижон тумани телекоммуникациялар боғламаси алоқачиларига ҳам ички ишлар ходимлари сиқилдирилган ёрдам бермоқда. Яқинда Қўнжи фуқаролар йиғинидаги милиция таянч пункти ходимлари 400 метр биметалл симларни кесган икки қабат ўришни қўлга туширди. Ўғирликдан улар келтирган 155 минг сўм зарар ундириди.

Алоқа иншоотларига фақат ўғирларгина эмас, олдий масъулиятсизлик, лоқайлик ҳам зарар келтирмоқда. Уттан йилнинг августига Хўжабод тумани, “Ўзбекистон” жамоа хўжалигида “ВМК ирстрой” трактори махсус белги борлигига қарамай, алоқа корхонаси вакилини қақирмай амалга оширган қовлаш ишларида сакзита тумани боғловчи оптик кабели узиб юборган. Бу эътиёсизлик “ВМК ирстрой”га қиммат тушиди, суд юз берган ҳолда алоқа кабелларини муҳофаз қилиш бўйича Езма оғоҳлангирини олган “ВМК ирстрой” корхонасининг айбдорлигини исботлаб ҳужим чиқарди. Корхона бир миллион олти юз минг сўмлик зарарини тўлашга мажбур бўлди.

“Андижон Телеком” филиалида ўғирликларнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар кўришмоқда. Кабел тармоқлари, шакафлар, биноларга сигнализация қўйилган, оғоҳлангирини ускуналар ўрнатилган, ҳар йили корхоналарга оғоҳлангирини эслатмалар тарқатилади, жойларда аҳоли билан тушултириш ишлари олиб борилади. Андижон шаҳридаги “Жаҳон бозори”, “Эски шаҳар” ва “Муъжизлар майлони” каби йирик бозорларда қўшма рейдлар ўтказилмоқда ҳамда вилот матбуотида чиқариш уюштирилмоқда. Хуллас, “кабел ўғирлиги” касаллигининг олдини олиш учун қўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини беради.

Р.УЗОКОВ

ЯНГИЧА ИШЛАШ ДАВРИ КЕЛДИ

“Сурхондарё почтаси” активдорлик жамиятига қарашли Узун филиали вилотдаги энг йирик алоқа корхоналаридан бири ҳисобланади. Тумандаги мавжуд алоқа бўлимларида 65 кишидан ортққ алоқачилар самарали меҳнат қилиб келмоқда. Жамоамиз ходимлари эскича андозалардан воз кетиб, янгича усулда ишлашга қатъи эътибор беришмоқда.

Алоқачилар билан ҳар ойда уч марта йилги ўтказиб, соҳадати ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилмади. Айниқса, илгор тажрибалар агарофича ўрганилади ва омаллаштирилади. Ишининг бу тарзда ташкил этилиши ўз самарасини бермоқда. Жамоамиз ўтган йили аҳолига 12 миллион 689 минг сўмлик алоқа хизматини кўрсатиб, пул жўнатмаларини 112 фоизга, хат-хабарлар жўнатишнн 113,3 фоизга, мабуот нашрлари сотишнн эса 106 фоизга бажарди. Шунингдек, қўшимча хизмат турлари — электр энергия, табий газ, ичимлик суви, телефон, халқаро сўзлашувлар бўйича 4 миллион 444 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Туман бўйича 26 миллион 500 минг сўмлик газета-журналларга обуна қилинди. Уттан йилдаги барча кўрсаткичлар, режа-топшириқларни 103 фоиз бажардик.

Бизда меҳнат фахрийлари билан ишлаш жуда яхши йўлга қўйилган. Нафақа картчокалари жорий этанмиз. Туман марказий алоқа бўлимида ҳар эса ҳеш кунда ҳисобот бериб турилади. Ишимизнинг бу усулда ташкил қилиниши нафақачиларга жуда кўн келмоқда. Пенсионерларимиз 12595 нафардан ортққ бўлишига қарамай, уларга нафақа пуллари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Жамоамиз ходимларини маънавий ва маърифий ишларга ҳам катта эътибор беришмоқда. Тарбият ва ташвиқот турдулари ташкил қилиниб, долзарб мавзуларда давра сўхбатлари ўтказиб турилибди. Меҳнат фахрийлари, боқувчилардан маҳрум бўлган муҳтож кишиларнинг ҳолидан хабар олиш аниқлага айланган. Бундай тадбирлар ўтказишда, хусусан алоқа хизматини намунали ташкил этишда Узун 1-алоқа бўлими бошлиғи Мақсуда Холниёзова, Марказий почта алоқа бўлими бошлиғи Дамира Носирова, “Янгируғзор” алоқа бўлими бошлиғи Зайнура Еқубовалар бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

Меҳнат жамоамиз жорий йилда ҳам аҳолига янада ахишорқ хизмат кўрсатиш учун астойиб ҳаракат қилмоқда.

Р. ХОЛМАТОВ,
“Сурхондарё почтаси” АЖ Узун филиали бошлиғи

Утганларнинг охира ти обод бўлсин!
“Хабар” газетаси жамоаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Рустам Шоголомовга қизқ
ЭЛЬВИРАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

2003 YIL — OBOD MAHALLA YILI



«**КУЁШЛИ**»ДА

АЛОҚАЧИЛАР ЯШАЙДИ

“Куёшли” кўргони давтавал Тошкент вилоятининг собиқ Калинин (Зангиота) тумани, Свердлов қишлоқ совети таркибида бўлган. Унинг ташкил топиши шу ҳудудда 3-сонли Радиостанция ва ҳарбий қисмларнинг қурилиши билан боғлиқ. 1947 йилдан қурила бошланган радиостанциянинг қурувчи ва хизматчилари учун маҳалланинг ҳозирги Бобораҳим Машраб кўчасида 22 та коттеж бунёд қилинади. Бу бўлажак маҳалланинг илк иншоотлари эди.

1950 йилнинг 1 январидан Ўрта Осиеда энг кучли, узун тўлқинда ишлайдиган узатчи (перелатчик) орқали радио эшиттиришлари эфирга узатила бошланди. Натيجада Радиостанциянинг асосий ва хизмат биналарини кенгайтириш зарурати туғилди. Шу муносабат билан иккинчи ва учинчи техник биналар, катта антенна майдонлари, бошқарув биналарининг (ҳозир бу ерда қишлоқ кенгаши, АТС ва почта жойлашган) қурилиши “Куёшли” маҳалласи барпо этилишининг биринчи босқичи бўлди. Аста-секин икки қаватли биналар, мактаб, болалар bog'часи, ошхона, ҳаммом каби қатор иншоотлар қад ростлади.

1960 йилларга келиб бир неча алоқа ташкилотларининг қурилиши учун ер майдонини ажратилди. Улар ҳам ўзларининг базалари билан биргаликда икки ва тўрт қаватли уйлар, маданий-маиший биналарни бунёд этдилар. Учинчи Радиостанция мамыуряти етти километрлик қувур тортиб, аҳоли эҳтиёжи учун тоза ичимлик суви келтирди.

“Куёшли” маҳалласининг расман ташкил қилиниши 1986 йили амалга ошди. Янги маҳалланинг биринчи раиси этиб 3-сонли Радиостанция асосчиларидан бири ва бошлани Хўшмат Хайдаров сайланди. Шу билан маҳалла ички кўчаларининг қурилиши, ободонлаштириш ишлари бошланиб кетди...

“Куёшли” маҳалласининг кенгайиши ва кўркамлашишида табиий шу ерда жойлашган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)нинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

1988 йили маҳалла кўмитаси раислигига Радиостанция фахрийси Убайдулла Абдуллаев сайланди. Навбатдаги иш кўргон марказини ободонлаштиришда бошланди. Кўмига раис ўз фаоллари билан биргаликда бу ишга астойдил киришди. Биринчи навбатда туман матлубот жамияти ҳисобидан мар-

казла кўркам бир чойхона қурилди. Шу билан “Куёшли” маҳалла гуза-

Маҳалла муқаддас маскан. Ҳар бир киши ўз маҳалласини тугилиб ўсган Ватани сифатида қадрлайди. Тўй-томоша, маракаларда айнан мана шу маҳалладошлар бир-бирига елкадош бўладилар. Ўзаро меҳр-муҳаббат, бирдамлик ва уюшқоқлик ҳам маҳаллага хос хусусиятдир. Юртимизда маҳаллалар кўп. Унта бўлса ўрни бошқа дегандай, ҳар бир маҳалланинг ўз ўрни, нуфузи бор.

рига асос солинди. Кейинчалик чойхона ёнида сартарошхона, этикдўлик устхонаси, нон ёпиш цехи қурилиб ишга туширилди. Дорихона учун 15361-ҳарбий қисм бино ажратилди. Шулар қатори ҳозирда қишлоқнинг 13500 нафардан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатаётган поликлиника очилди. Уша даврда кўргоннинг 8 километрли ички ва ташқи кўчаларига қишлоқ кенгаши ва 3-сонли Радиостанция ташкилоти томонидан асфалт ётқизилди.

“Куёшли” кўргони маҳалла кўмитаси раиси этиб 1994 йили Абзалон Сultonсанов сайланди. У ишни биринчи навбатда кўргон чеккаларида ташландиқ кўчани тартибга келтиришдан бошлади. Бу кўча ўзбoшимчилик билан тартибсиз қурилган хонадонлардан иборат эди. Тез орада ҳамма уйлар режага киритилиб, аҳолиси қонуний рўйхатдан ўтказилди. “Куёшли” маҳалласи фуқароси бўлган байналминал жангчи марҳум Марат Алимўхамедов хотирасини абадийлаштириш мақсадида мазкур кўчага унинг номи берилди.

Ҳозирги кунда маҳаллада автоматик телефон станцияси, шаҳарлараро сўзлашув пункти ва бошқа маиший-маданий хизмат кўрсатиш шубоачалари ишлаб турибди. Икки йўналишидаги Тошкент шаҳри ва туман маркази билан болаб турувчи микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилган.

Айни вақтда маҳаллада 528 та ҳўжалик, 550 та оила мавжуд бўлиб, буларда 2560 нафар фуқаро истиқомат қилмоқда.

Аҳоли ўртасида маданий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш ҳам назардан четда қолмаган. Ҳарбий қисмлар раҳбарияти маҳалла кўмитаси билан ҳамкорликда кўп хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиги, полковник Д.Голман, полковник С.Протвиновлар туман кенгаши депутатлигига бир неча бор сайланишган.

Аҳоли билан биргаликда сайловларда ҳарбийлар ҳам фаол қатнашадилар, айниқса, депутатликка ном-

зодлар кўрсатиш, номзодлар билан сайлов олди учрашувларини ўтказишда Махсус-авария-тиклаш бошқармаси бўлим бошлиги, полковник Я.Фреймүтснинг хизматлари катта бўлмоқда.

Ўтган йили Махсус авария-тиклаш бошқармаси ва “Куёшли” маҳалласи фаоллари ҳамкорликда Бухорога саяҳат уюштирилди. Шу ерда Бухоро вилоятидан хизматга чақирилган 17 нафар аскарни захирага жўнатиш маросими ота-оналар, аскарликка чақирилувчи ёшлар, вилоят ҳарбий комиссарияти ходимлари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилди. Учрашув якунида катта лейтенант Е.Хошимов раҳбарлигидаги ҳарбий қисм аскарлар театри йиғилганларга спектакл қўйиб берди. Сафар натижаси Бухоро шаҳар ҳокимлиги билан ҳарбий қисм ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича шартнома имзоланган бўлиб, айнан шу шартнома асосида ҳозиргача Бухоро шаҳар ёшларининг бир гуруҳи ҳар йили мазкур қисмда йиғиллик бурчини ўтаб қайтишадди.


Маҳалланинг ёшлар тарбиясидаги ўрни беқиёсдир. “Куёшли” маҳалласидаги ҳарбий қисм аскарлари ўзларини худди ўз маҳалласида хизмат қилаётгандек ҳис қилишади. Сабоби, юқорида таъкидланганидек, маҳалла фаоллари ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Барча тadbирлар ўзаро ҳамжиҳатликда ўтали. Ҳарбий қисм аскарлари ва маҳалла фахрийлари ўртасида авлодлар учрашувини ўтказиш ананасига айланган. Бундай учрашувлар ёшларимизда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, тарих ва муқаддас динимизга бўлган қарашларини янада тeранлаштирадди. Айниқса шу ерда йиллар давомида алоқачилик сир-асрорларини мукаммал ўзлаштириб, элимизга хизмат қилган фахрийларнинг тажриба мактаби ёш ҳарбий алоқачиларни бeфaқ қолдирмайди.

Тажриба, шижоат ва тараққиёт мужассамлашгандагина буюк кашфиётларга қўл урилади. Маҳалла ҳам ота-боболаримизнинг буюк кашфиёти маҳсулидир. Бундай кашфиёт анча-мунча халқнинг қўлидан келмаган. Шундай экан, келинг, аждодаларимиз қолдирган буюк меросни кўз қорачиғидек асрайлик, унинг қадрига стайлик ва келажак авлодга ўз ҳолида мерос қилиб қолдирайлик.

Л.ГУРСУНОВ

АЛОҚА
ОЛАМИДА

ЭНГ МИТТИ МИКРОСХЕМА



Калифорния университетида ажайиб ихтирога қўл урилди — уяли алоқа тизими частотасида ишлайдиган юқори миниатюралари радиозаткич микросхемаси тайёрланди. Электроника ва компютер фанлари факултети аспиранти Элом Молнар томонидан яратилган бу қурилма мобил телефони радиочастота чипидан 50 баравар кичкина ва минг ба-

равар кам энергия сарфлайди.

Янгилик “Ақлли чанг” лойиҳасининг бир қисми ҳисобланади. Мазкур лойиҳа доирасида Беркли шаҳри олимлари юқоридагига ўхшаш бошқа ихтиролар устида ҳам иш олиб бормоқда.

Юқори миниатюралари ва ўта тежамкор узаткичларни ишлаб чиқаришда қатор янги технологиялардан фойдаланишга тўғри келди. Хусусан, Э.Молнар ва унинг ҳамкасблари битта электрон энергиясидан микросхеманинг бир қанча қисмларида фойдаланди. Бу унинг энергия таъминоти кўрсаткичининг сезиларли равишда яхшилланишига олиб келди.

УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАР

ҲАЙДОВЧИЛАР УЧУН ХАВФЛИМИ?

Фақат АҚШнинг ўзида ҳар қанча содир бўлаётган йўл ҳаракати ҳодисаларининг 8 мингида автомобил рулини бошқара туриб бирон нарса еган, пардоз қилган ёки телефонда гаплашган ҳайдовчи аёллар айбдор бўларкан.

Тўғри, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассисларнинг бошқа фикри ҳам бор: фаол ҳайдовчи барибир рулда ухлаб қолиши мумкин бўлган ҳайдовчидан яхшироқ.

Швециялик аёл-ҳайдовчилар америкаликлардан бундай одатлари (айниқса рул-

да овқатланиш) йўқлиги билан ажралиб туришади. Гарчи бу ерда ҳам автомобилда ўтирган ҳайдовчиларга хизмат қилувчи қаҳвахоналар, пардоз қилган ёки телефонда гаплашган ҳайдовчи аёллар рулда ўзларига оро беришади, эрталабки йўллар тирбанд бўлиб қолган пайтлари кассеталарда овоз бериб ёзилган китобларни тинглашади.


Уяли телефонда сўзлашиш катта хавф туғдирмайди деб ҳисобланади. Ҳар ҳолда, гаплашаётганда ҳеч ким ухлаб қолмайди-ку.

NXT ЭКРАНЛАРИ

Буюк Британиянинг NXT компанияси электрон қурилмалар (компютер ёки телевизор монитори, мобил телефон дисплейи каби) ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Унинг асосий вазифаси ҳар бир электрон қурилма мониторларини кенг панелли динамикага айлантиришдир. Бунинг натижасида тасвир сифати янада яхшиланади. Овоз берувчи калонкалари эса алоҳида бўлиб, хонанинг хоҳлаган ерига жойлаштирилади.

— Шу тарзда сиз монитордан фарқли ўлароқ овоз эшитасиз, — дейди NXTнинг савдо бўйича бош менежери Эндриу Виллиамс. — Бу ўзингизни худди кинотеатрда ўтиргандек ҳис қилишингизга ёрдам беради.

Ҳозирда компания компютер техникаси бозорига ўз технологияларини фаол қиритмоқда. Масалан,



электрон қурилмалар санатаидаги энг йирик фирмалардан бири Япониянинг NEC компанияси билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишув имзоланганда. Ҳамкорликда ишланган биринчи компютерлар ўтган йили япон бозорига чиқарилди. Мазкур компютерлар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларда ҳар томонлама афзалликлар мавжуд. Хусусан, ташқи кўриниши, овози, ҳажми, оғирлиги, кам энергия истеъмол қилиши ва бошқалар унинг қулайлигини белгилайди.

Internetdan olindi

Қанча-қанча маҳалларни кеза-кеза уни зурга тошгандим. Хусни жамоли, одобу андишаси айни кунгидагидек. Бир кўришдаёқ келин қилишга аҳд қилдим. Кенжатоим "Сизга ёқса бўлди-да, ая", деб танишгани ҳам чиқмади. Сунтиги утини уйлашимиз эди, туймисан туй бўлди ўзим. Куп ўтмай етти маҳаллага кенжа келинимнинг мактови ёйилди. Турпинчи келинини ҳам ўзим ташлаб адашмаганимдан Аллоҳга беадад шукроналар айтдим.

Юз очди утиб-ўтмай Сарваргулим хизматга киришиб кетди. Намозгарда турсам ҳамма ёқ су-пуриб-сидирилган, сувлар сепилган, ярақлайди денг. Жуда ёш бўлса-да, бу келинимнинг ҳам оёқ-қўлигига чиққанидан бошим осмонда.

Бир пайт унинг оҳида овози эшитилди.
— Ассалому алайкум, аяжон, мана таҳоратга сув ҳозирлаб қўйгандим, — ерга боқиб, ёноқлари яля-я ёниб турганини кўриб димим чог бўлди, бағримга босиб упиб олгим келди-ю, ўзимни базур тухтатдим.

— Айланай қизим, раҳмат, баракат тошинг.

Бомдод намозини ўқигач, бир пиёла чай ичиб оладиган одатим бор. Ошхонага кирдим. Ян-янгиларибослари усидан бежирим фар-туз богаб, газ пиласи ёнида куй-маланаётган экан. Чехрасидан нур ёйиб кулимсирлади.

— Аяжон, иккига-иккитадангина сомса пиширдим. Мана, ҳозир газдан оламан, — деди. Билинар-билимас эркалаш бор гап оҳангиди.

— Зап иш бўпти-да. Ундок бўлса пешайонга дастурхон тугайверинг, — севинчим ичимга сигмайди. Ҳамма келинлардан ҳам буниси бўлакча-я, кўз тегмасин, хаёбдан ўтказаман.

— Тонлар хотиржам отар, кечим шундай гўзал ботарди.

Намосимда Аллоҳга шукрона-

лар айтиб, болаларим, барча келинларим, айниқса кичик келиним ҳақига дуолар ўқирдим. Неки оруз-тилақларим бўлса бари ижобат бўлган, кексаликни муносиб кутиб олаётганим. Бироқ завку сурурли дамларим бир йилга бормади. Агар бу гапни биров айтса ишонмасдим. Барига беш дақиқада нуқта қўйилди. Кўз унгимда содир бўлди ҳам-

ночор, нотовон эдим. Бир қарорга келамай анграйганча турардим. О, менинг Сарварим, Сарваргулим бўлса ҳеч нарсадан хабарсиз, бир чинида қатик, бир чинида шака-роб кутарганча келарди. Остонадан ҳатловдай ҳамки ноҳагон ўшқирикдан тахта бўлиб қолди:

— Уч талоқ қўйдим сени, йўқол кўзимдан, бошқа туркингни кўрмай!

Раңги ўчган Сарваргулим урта йўлда ҳуши-ни

йўқотган кўйи турарди. "Нечүк, бунадин қаҳру газабга гирифтор бўлдим экан" деган савол назари қотиб қолгандай кўзлариди.

— Ҳайдайсизми, майли кетаман, фақат айбимни билай-чи? — деди у ахйири тилга кириб. Савол эрига қаратилган бўлса-да, менга ёлворибгина кўз ташлади.

— Булбул акантин бунча яхши кўрасан десам... сиз Бинафшажон экансизда-а?

Сарваргул гап нимадалигини англаб, ўзини кўлга олди.

— Ушанда нимага шундай бўлди, ўзим ҳам билмай қолдим.

Шу лаҳзада ҳеч ким унга шафқату рағбат нигоҳи билан боқмади. Ҳалимни, ўз зурриёдимни эса таъиб-амасдим. Наҳот, шу менинг муминтойим, кенжатоим бўлса!

— Ая, мен машина топиб келаман. Булинглар, кўч-кўронини йи-пиширинглар, — зарда билан қам-ди-кетди у. Ортидан акалари ҳам кўзоғишди.

Шундай қилиб, Сарваргулимдан, суюкли келинимдан жудо бўлиб қолавердим. Салкам бир йил ажойиб тушдек утиб кетарди. Ҳар кун бомдод намозини ўқиб, жойна-мозини илаётганимда унинг жонга қувватдек инадиган майин овози чалингандек туюлади:

— Аяжон, понушпангиз тайер, келақолинг, сомсалар совиб қол-масин...

Мен сени қизим дегандим. Қар-еда бўлсанг ҳам омон бул, Сар-варгулим. Илоҳим бахтинг очилсин.

Ҳафиса САЛЯХОВА

САРВАРГУЛИМ

(воқеий ҳикоя)

маси. Эсласам, ҳамон юрагим орқамга тортиб кетади.

Ҳайит кунлари эди. Жамоат жам. Ҳар кунгидек кечки овқатга йиғилиб, телевизор томоша қилганча мириқиб сўхбатлашиб утирардик. Сарваргулимда бўлса бир дақиқа тиним йўқ — ошхона билан пешайон ўртасида бузчининг мо-кисидай қатнайди. Ич-ичимдан меҳ-рим товаланса-да, катта келинлар гашланмасин дея "бир пас дамни-гизни ростланг" ҳам деймайман.

Телевизорда машҳур хонадан-нинг роса бир йил олдин ўйингоҳ-дан ёзиб олинган концерти намойиш этилаётганди, невараларим суялиб, чапак чалиб юборишди:

Бинафшажон, бинафша,
Кокиллари ҳайдарсан,
Менга лойиқ қиз топсанг
Қулогимга айтарсан...

— Ия, келин аям-ку! — чувил-лашди болалар.

Экранда гулдаста кутарган қиз-лар орасида Сарваргул ҳам кўрин-ди. Не кўз билан кўрайки, у ҳам аввали қизлардай мафтункор жи-майганча хонандани упангек бўлди. Наҳотки!.. Кўзларимга ишон-масдим, тилимга калима келмасди. Телевизорнинг уни ўчиб, уртага но-қулай жимлик чўкди.

— Танлаб-танлаб тошганингиз шуми? — тунгилади тунгичим.

Таъна-малолат бор эди менга боққан кўзларда. Бостириб келаёт-ган муқаррар бахтсизлик олдида

"МЕРГАН" ИЛОН

Африка қитъасида Мозам-бик кўзойнакли илони ўзи-нинг ашаддийлиги билан аж-ралиб туради. У захар без-лари жойлашган мушаклари-нинг ниҳоятда тез қисқарув-чанлиги натижасида тишлар-и орасидан захар отишга жуда уста. Унинг тишлари орасидан отилган захар икки йўналишда ҳаракатланиб, уч метр узоқликдаги рақибни-нинг кўзига беҳато тегиши ва уни узоқ муддатга ёки бутун-лай кўр қилиб қўйиши мум-кин. Захар кўзга тушганда кучли оғриқ кўзгатади.

Мозамбик кўзойнакли илони ўз "имконияти"дан энг сўнги дақиқада — ҳимояла-ниш учунгина фойдаланади.

ХАНДАЛАР

Ўқитувчи ўқувчидан сўради:
— Кўйдан қандай маҳсулотлар олинади?
— Жуң.
— Жуңдан нима туқилади?
— Билмадим.
— Палтонг нимадан туқилган?
— Палтом дадамнинг эски палтосидан тикилган.

Ўқитувчи:
— Томми, ер думалоқ эканлигини исботлаб бер-чи?
Ўқувчи:
— Мен уни думалоқ деганим йўқ.

— Пьеса бахтли якун топдими?
— Албатта, у тугаганда ҳамма хурсанд бўлди.

Сочи устан киши сартарошдан сўради:
— Илгари ҳам сочимни сиз олгандингиз?
— Нималар дейсиз?! Бу ерда ишлаётганимга, эдигина олти ой бўлди.

— Ойи, ойи, кўчадан мен йўқолган кошток топиб олдим.
— Унинг йўқолганини қаредан билиднг?
— Чунки кўчанинг нариги бетидоғи болалар уни қидиришяпти.

Ўқитувчи:
— Болалар, бутун ярим туңда ой тутилади. Уйдагилардан руҳсат сураб кўринглар.
Ўқувчилар:
— Қайси канада?!

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Хоразм Телеком» филиали Қўшқўпир телекоммуникациялар боғламаси ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхона бошлиғи **Отабой ПОЛВОНО**ни тугилган кун билан чин дилдан кутлайди. Унга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт ҳамда келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.

ГЁТЕ ҲИКМАТАЛАРИ

- **САНЪАТ** — ТАБРИҚЛАБ БЎМАЙДИГАН НАРСАЛАРНИ АКС ЭТТИРИШ ВОСИТАСИДИР.
- **ШОН-ШУҲРАТ** ЭЗЛАБ ТОПИЛМАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН УНИ ТАБҚИБ ҚИЛИШ ҲАМ, КЕТИДАН ЮГУРИШ ҲАМ БЕҲОЙДА.
- **ГЎЗАЛИК** ҲАММА ЖОЙДА ОРЗИҚИБ КУТИЛАДигАН МЕҲМОНДИР.
- **ЭНГ** ЯНГИ ЗАМОННИНГ ЭНГ АСА ЕЗУВЧИЛАРИНИ БИЗГА ЯНГИ НАРСАЛАР ТАҚДИМ ҚИЛГАНЛИКЛАРИ УЧУН ЭМАС, БАЛКИ ШУ НАРСАЛАР ҲАҚИДА ИЛГАРИ ҲЕЧ АЙТИЛМАГАНДАЙ ҚИЛИБ ГАПИРИБ БЕРГАНЛИКЛАРИ УЧУН АСА ДЕЙМИЗ.
- **ИНСОН** БЎМОҚ — КУРАШЧИ БЎМОҚДИР.
- **ФАҚАТ** ТАҲРИБАГИНА ИНСОННИ ҲАЁТ ДАЗЗАТЛАРИНИ ҚАДРЛАШГА ЎРГАТА ОЛАДИ.
- **БИЗНИНГ** ЭҚТИРОСЛАРИМИЗ САМАНДАР ҚУШГА ЎХШАЙДИ: БИГТАСИ КҮЙИБ КҮЛГА АЙЛАНГАН ЗАҲОТИ, ШУ КҮЛ ИЧИДА БОШҚАСИ БОШИ КЎТАРАДИ.
- **ФАРЗАНДАЛАРИГА** ОТАЛИК ҲАМ ҚИЛА ОЛГАН ДАЛ ЭНГ ЯХШИ АЁЛДИР.
- **КИМИ** МАҚТАСАН, ШУНГА ТЕНГ БЎЛАСАН.
- **ИНТИЗОМ** ВАҚТНИ ҚАДРЛАШГА ЎРГАТАДИ.
- **БИР** МАҚСАД ЙЎЛИДА КУРАШАЙТган ОДАМЛАРНИНГ АРАЗИ УЗОҚ ДАВОМ ЭТМАЙДИ, ҚАЧОН БЎЛМАСИН УЛАР ЯНА ЯРАШАДИЛАР.
- **НОШУҚУРЛИК** — ОЖИБЛИК БЕЛГИСИДИР. РҲҲАН КҮЧЛИ ОДАМЛАРНИНГ НОШУҚУРЛИК ҚИЛГАНЛАРИНИ МЕН СИРА КЎРГАН ЭМАСМАН.
- **ҲАР** БИР САҲИФАСИ ЧЎҚУР МАЗМУН БИЛАН ТҶАИБ-ТОШГАН ЯККА ЮГОНА КИТОБ — БУ ТАБИАТДИР.



Бола бошидан...
Т.ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУКМРОНИ

Олимлар томонидан Ука-яла дарёси ҳавзасида топи-лан ҳинду қабиласи хали ҳам матриархал қонунига кўра яшар экан. Хотин-қизлар кенгаши барча масалаларни ҳал этади, аёллар овга бори-шади, томорқага қарашади, эркаклар эса уй-хўжалик ишларини бошқариб, бола боқишади.

СҲУТМИ Ё СЎЗЛАШ

Америкалик психолог Бер-думлининг тадқиқотларига кўра, эр-хотин бир кеча-кун-дузда 27 минутдан ортиқ сўзлашмаган оилагина энг барқарор ҳисобланади.

«АЖАБ ДУНYO»

НИКОҲНИНГ ҲОЙДАСИ

Илмий иш билан машғул бўлган аёллар учун турмушга чи-қиниш ва фарзанд кўриш мартаба-нини барҳам топиши бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда унга жиддий зарба бера-ди, деган фикр одамлар орасида кенг тарқалган. Буни қарангки, аме-рикалик олимларнинг олиб борган тадқиқотлари бу фикрнинг мутлақо нотўғри эканлигини кўрсатди. Аниқланишича, Америка Қўшма Штатларида турмушга чиқмаган оли-ма қизлар йилига 2,2 тадан мақола чоп эттиришса, турмушга чиққан-лари — учтадан мақола эълон қили-шар экан! Бунисига нима дейсиз: уч йил турмуш қилиб, болалик бўлган олимлар ёзиб, нашр этти-рган мақолаларнинг ўртача сони 1,5 тадан 2,7 тага қалар ортган.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Алишер ХЎЖАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОР,
Иzzат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирғўлат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

Манилимиз: 700000, Тошкент-35,
А.Толстой кўчаси, 1-уй.
Тел.: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
Habar@uzapt.uzpak.uz
Индекс: 64600
Жуме кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Бу юртимизда № 330.
9228 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳарҳми 1 босма табақ.
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манилис: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Матн терувчи: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМШАНБОВ
Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00